

Санъаткор ёзувчи, мохир таржимон Мирзакалон Исмоилий 1908 йили Киргизистоннинг Ўш шаҳрида камбагал дехкон оиласида дунёга келди. Октябр тўнтаришидан сўнг у болалар уйида тарбияланди. Тошкентга келиб Эрлар билим юртида таълим олди. 1928-1930 йилларда Ўрта Осиё дорилфунунининг Шарк факултететида ўқиди, ўқитувчилик килди.

Тошкент киностудияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Кизил Ўзбекистон», «Шарк юлдузи» муҳарририятларида ҳамда Ўзбекистон Давлат нашриётида хизмат килди. У рус адабиёти классикларидан М. Ю. Лермонтов, А. П. Чехов, Л. Н. Толстой, А. М. Горкий, М. А. Шолохов асарларини ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан кўпларини ўзбек тилига ўғирди. Унинг таржималари ўзбек тилининг ривожланишига катта хисса бўлиб кўшилди. Ёзувчининг 1927 йилда босилган «8 Март» пьесаси ўзбек хотин-қизларининг озодлик учун курашини акс эттирди. У 1942—1947 йилларда Совет Армияси сафида хизмат килиб, фашизмга қарши курашда жонбозлик кўрсатди.

Адиб Улуг Ватан урушидан кейинги йилларда яратилган «Фаргона тонг отгунча» (1958, 1967) трилогия-романида октябр тўнтариши арафасидаги ўзбек меҳнатқашларининг оғир ҳаёти ва маърифат сари интилишини улуглади. Роман гоёвий, бадиий жихатдан ўзбек прозаси ютуқларини мужассамлаштирди. М. Исмоилий «Бизнинг роман» (1963) асарида ёшлар ҳаётини акс эттирди.

Мирзакалон Исмоилий «Одамийлик қиссаси» (1965) каби ахлоқ-одоб нормалари тантанасини мадҳ этувчи пухта, гўзал насрий асарлари билан ўзбек адабиётини юксалтиришга ўз улушини қўшди. У 1986 йилда вафот этди.